

Journal of Management Inquiry 18(6)

ДАВР ТАҚОЗОСИ

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабиди» ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари Лойиҳасида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига янгилик ёндошиш масаласи асосий ўрин тутган.

Мактаблар олдига ёш авлоднинг меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди. Маориф соҳасида, партияимиз кўрсатиб ўтганидек, яхши, системали таълимни таъминлаш, ўқувчиларнинг соғлиғи ва ёшига мос тушадиган ижтимоий-фойдали, жамият учун зарур бўлган меҳнат ўқув жараёнида муҳим ўрин тўғрисида керак.

Ҳозирги босқичда шахар халқ маорифи муассасаларида ўқитиш унумли меҳнат билан қўшиб олиб бориш борасида муайян таърибга эришган. 1976—77 ўқув йилидан бошлаб юқори синф ўқувчиларига меҳнат таълими бериш, тарбиялаш ва касб танлаш масалалари билан шуғулланиб келаётганлигини тўғрйли муайян ютуқларга эришди.

Унинг беш йиллик бошида бор-йўғи 2 мингдан зиёд ўқувчини жалб этган иккинчи мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати мавжуд бўлса, ҳозир 12 та ана шундай комбинат бор. Уларда 225 та мактабдан 25,5 мингдан зиёд йилгит ва қизлар 150 ихтисослик бўйича малака ҳосил қилишмоқда.

«СССР 50 йиллик номидаги Тошкент трактор заводи», «Среднеазиатский», «Узбекнефтемашина», «Узбекнефтмаш» бйришлаларида ҳар йили ўқув ишлаб-чиқариш практикаси ўтказиб ўқувчиларини ишлаб чиқариш корхоналари ҳаётига яқинлаштирмоқда.

1981 йилдан бошлаб 8-синфларнинг 5 мингдан зиёд ўқувчилари ҳар йили 10 та ўқув ишлаб чиқариш комбинатига меҳнат қўйилмавлари ҳосил қилишмоқда.

Кўпгина педагогик коллективлар эса 1981/82 ўқув йилидан бошлаб, ўқитиш ҳаёт билан боғлаб олиб беришмоқда. Шу мақсадда меҳнат тарбиясини унумли меҳнат билан боғлаш натижасида эътибор қаратишмоқда. Бу масалада 74, 194, 69, 210, 183, 184, 71-мактабларнинг педагогик коллективлари айниса яхши ишлар қилишмоқда. Бу мактабларнинг ўқув устаноналарида 7-8-синф ўқувчилари трактор заводи, «Узбекнефтмаш», «Среднеазиатский», «Промсвязь» ва бошқа корхоналар учун махсуслашган тайёрлашмоқда. Урта заво 7-8 синфларнинг ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг янги формаси — мактабларро ҳунармандчилик ўқув-ишлаб чиқариш устаноналарини ташкил этиш кенг ёйла бошлади.

1983/84 ўқув йилининг сентябрь ойидан бошлаб 74-мактаб базасида 74, 189-мактабларнинг ўқувчиларига техника касбларини чуқурроқ ўргатиш борасида меҳнат тарбияси амалга оширилди. Бу ерда оталик заводи билан тузилган шартнома асосида мактаб устаноналари шариоитида 25 хил детал тайёрлаш кўзда тутилган.

Саноат корхоналарининг мактаб билан узвий алоқа боғлагани жуда қимматлидир. Оталик заводи план бўлимининг бошлиғи И. В. Гольденберг мунтазам суратда меҳнатни ташкил этиш билан қизиқди, мактаб устаноналарига асбоб-ускуналар олиб беришда, дастгоҳлар ўрнатилган амалий ёрдам кўрсатади. «Промсвязь» ҳам ўз оталиғиди мактабларга асбоб беришда. У Чилонзор районидидаги 183-мактаб мактабларро устанонасида унумли меҳнатни ташкил этиш учун алоҳида уста ажратди. 179, 79, 183-мактабларнинг 7- ва 8-синф ўқувчилари бу мактабнинг яхши жиҳозланган устанонасида ўқитиш базасида корхонаси — «Промсвязь» учун 8 хил буюм тайёрлаб беришмоқда. 1983—1984 ўқув йилининг биринчи ярмида оталик заводи ва «Промсвязь» заводларига мактабларро устаноналарига 3 минг сўмликдан зиёд махсуслашган тайёрланди.

7-8-синфларнинг ўқувчилари ўқув устаноналарида бевосита корхоналар буюртмаларини бажариш ўқувчиларига ҳам, корхонага ҳам наф келтирляпти.

Биз Москвининг Фрунзе районидидаги мактабларро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директорининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинати тўғрисидаги янги Низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватлаймиш. Базаси корхоналарининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига бўлган мажбуриятларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйишни, ишлаб чиқариш таълими мастериининг обрўйини умуятташ мактаблари ўқитишнинг даражасига етказиш ва КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасидидаги 22-бандни қўйидаги сўзлар билан тўлдирлиши мақсадга мувофиқ деб билимиш: «Мактабларро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, ўқув цехлари ва участкалари, мактабларро устаноналар тегишли министрлик ва идораларининг ишлаб чиқариш планига киритилди».

Бошланч мактабдаёқ зарур меҳнат қўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида мувофиқ. Шу сабабли I—IV синфлардаги болалар учун махсус техника базаси яратиш зарурлиги туғилмоқда. Шунинг учун лойиҳанинг 35 ва 36-бандларини янада конкретлаштириш керак.

35-бандини қўйидаги тарзда тўлдирлиш лойиҳа: «I—IV синфлар ўқувчиларининг меҳнат таълиминини ташкил этиш учун махсус технологик ва ишчи асбоб-ускуналари ишлаб чиқиш ва тайёрлаш кўзда тутилсин». 36-бандда эса қўйидаги сўзларни қўйишча қилимиш: «Министрлик ва идоралар, корхоналар мактабларро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ва мактабларро устаноналар қўриш масалаларини маблаг қўйиш йўли билан ҳал этилисин».

Х. ЯУЛДОШЕВ,
Тошкент шахар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармасининг бошлиғи.



7 ва 10 март кунлари газетамизда «Дустлик матчининг» ҳар икки тахтасида жавоб юришлари эълон қилинди. «Кама-лак» шахмат клуби газетонларга мурожаат этиб, тошкентликлар

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ГАЗЕТХОН АЛКОГОЛНИНГ ИЛТИМОСИ НАСЛГА ТАЪСИРИ

Ҳурматли редакция! Ичкилик ичиш одам умрининг, заволи бўлиши аниқ. Шу билан бирга, алкоголь туғилаётган болаларга, наслга ёмон таъсир қилади, дейишди. Шу ҳақда мақола ёритишнингизни илтимос қиламан.

Ичкиликбозлик умр кушандаси, соғлиқ душмани, қанчадан-қанча изтироблар, кўз ёшлар ва кўнгилсиз воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси бўлиши кўпчиликка маълум.

Умр бир марта берилади, шунинг учун уни лаззат билан, ҳушёрлик ва тентиклик билан, «сўхат-саломатлик» билан ўтказиш нақадар бахт! Афсуски, нафс жийловини тўхта-толмай қолган баъзи кишилар алкоголь кули бўлиб, ичкиликка ружۇ қўйиб саломатликлари йўқотадилар, охири-оқибати майиб-мажруҳ бўлиб қолади, асдан айрилиб, руҳий хасталикка дучор бўладилар. Ичкиликнинг яна бир ёмон ва ачинарли илати — наслга таъсир этиши, яъники ёруғ дунёга келган чақалоннинг майиб-мажруҳ бўлиб туғилишидир.

Алкоголни сунис-

теъмоқ қилиш ичучилар авлодида турли-туман фойдали дарахлар қолдиради. Алоҳида ўтказилган текширишлар шунини кўрсатадики, ароқхўрлар оиласида чақалонлар ўлик ёки тала туғилиши жуда кўп учраб туради, тирик қолган мурғаклар узоқ яшамайди. Омон қолганлар эса ақлан ва жисмонан заиф бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, алкоголь оилаларда доим бола заиф ва мажруҳ туғилавермайди. Чунки бу хасталик насл сурмайди. Аммо бу авлоддан ичкиликбозлар, туғилган хасталиги билан касалланган ва ақли оқсиз болалар қўллаб туғилиши исботланган.

Спиртли ичимликларни жуда кўп миқдорда истеъмол қилидиган айрим мамлакатларда (масалан, Францияда) оқсиз ва хаста болалар ҳақида «Як-

шанба болалари» ёки «Кўвнок» кечалар болалари» деган иборалар ишлатилади. Бунда албатта яшанбада ёки кўнгилли кечаларда кўп ичкилик ичиш оқибатида болалар майиб туғилгани кўзда тутилади.

Маълумки, ёш ав-

лоднинг соғлом ўсиши қўлига омидаларга боғлиқ. Аввало бу, соғлом ота ва она уруғларининг шаклланиши, сўнгра боланинг туғилиш жараёнининг қай аҳволда ўтиши ва ниҳоят, туғилгандан сўнг боланинг қандай таъсири муҳитлар таъсири остида ривожланишидир.

Аёл кишиларнинг ичкили туғилажак фарзандга гойат фойдали таъсир кўрсатади. Ичучи аёллардан ту-

рилган болалар ўртасидаги нобудгарчилик бошқа гўдаклар ўртасидаги ўлимдан 2,5 баробар кўп бўлади. Ичкиликнинг ҳомилага бўлган зарарли таъсири, айниқса ҳомиладорлик даврининг туртинчи-олтинчи ҳафталари оралиғида энг кўп бўлиши тасдиқланган. Турли хил мажруҳликлар ичучи аёллардан туғилган болаларда 3—4 мартаба кўп учрайди.

Фаровон замонамизда ҳалол меҳнат қилган ҳар бир киши бахт топади, ўз тақдирини ўзи гўзаллаштира олади. Шундай экан, ширин турмуш, аҳил ва бахтли оила, дурқун ва соғлом авлод учун ақли зукко ҳар бир киши жон куйдириши керак. Ичкиликбозлик оқибатида ёш гўдакларнинг умри қисқа ёки майиб-мажруҳ бўлишини юракдан ҳис қилмоқ керак. Алкоголь насосфати туғилган ширин гўдаклар ҳаёти, аҳил оилалар раънақи, илмфан кишиларининг ўткир заковати, Рустаму Достондек бардам кишиларнинг сийрати поймол бўлаётганлиги доим эсда тутмоқ керак. Ичкилик гирдобига яқинлашиб қолган одам ўз иродасини кўлга олса, лозим бўлса шифохонада даволанса, унга фарқ бўлмай, равои ҳаёт йўлига чиқиб олади. Яна айтайлик, умминики, бу фақат инсон иродасига боғлиқ!

Ж. ҒУЛОМОВ,
М. ХАЛИЛОВ,
мединца фанлари кандидатлари.

ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

Бизнинг адресимиз: Тошкент шахри, ГСП кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» [«Дустлик матчи»]га. Так-

лифларингизни 330874, 332680, 332681, 332885, 332893 телефонлари орқали ҳам хабар қилишгиз мумкин.



Саломатлик — туман бойлик. Бу ҳикмат бежиз айтилмаган. Республика аллергология марказида хизмат қилаётган шифокорлар меҳнат-кашлар сўхат-саломатлигини муҳофаза қилишда фидокорлик кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: [ўнгда] республика аллергология маркази мудири, мединца фанлари кандидати Озод Назаров ва олий категорияли врач Мария Майорова Кузнецовлар беморнинг рентген суратини муҳома қилишмоқда.

И. Шонюгомов фотоси.

ДИАБЕТДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?

Болалар врачларининг аниқлашларича, чақалоқларни кўрак сўти билан озиклантириш уларни диабет касалидан муҳофаза этишда муҳим аҳамиятга эга экан.

40-йилларнинг охиридан то 70-йилларнинг ўртагача калом сўний ара-лашмалар билан овқатлантириладиган болалар сонини жуда ошиб кетди ва шу даврда уларнинг диабет билан касалланиш даражаси ҳам ошганлиги кузатилади. Болаларни кўрак сўти билан озиклантириш кўп айтган

болан кўрак сўти билан касалланиш микдорини камайтириш. Врачлар 1948 йилдан 1978 йилгача туғилган ва 18 ёшгача диабет касали ривожланиб бораган 180 болани уларнинг 1951 йилдан 1961 йилгача туғилган соғлом ака-опалари ва бошқа 6250 бола билан қиёслаб кўрдилар. Бундан асосан улар шунини аниқлашдики, соғлом болаларга қараганда диабет билан оғирган болалар орасида кўрак сўти билан боқилган болалар кам экан. Улар орасида диабет билан оғирган болаларнинг 11

болани кўрак сўти билан боқиб ва унда диабетнинг ривожланиши орасидаги боғлиқлик кўрак сўтида мавжуд бўлган инфекцияга қарши [агар касаллик вируслар юқиб орақли келиб чиқадиган бўлса] ҳимоя кучининг мавжудлиги билан очик-равшан изоҳланади, яъни сўний арашмалар ва кўрак сўтидаги туғилган моддалар химиявий таркибидидаги оз-моз фарқининг ўзи ҳам қонда қанд қанчилигига таъсир этади.

«Нью Сайентист», Лондон.
[«3а рубеежом»дан].

СУНГГИ
ТО
КОЛОНКА

УЧ
МИЛЛИОНЧИ
ТУРИСТ

Берлиндан Москвага ГДР туристларидан катта гуруписи дўстлик поездига навабдаги сафарга отланди. Улар орасида Магдебургдаги Эрнест Тельман номидаги оғир машина-созлик комбинатининг электринг Вальтер Дитман ҳам бор. У СССРга ГДРнинг «Райзебюро» бюросидан путёвка олган ўч миллиончи туристдир.

Демографларнинг ҳисоб-китобларига қараганда 1984 йилнинг бошига келиб Югославия аҳолисининг сонини 22 миллион 895 минг 900 кишини ташкил этган. Утган йили мамлакатда 1982 йилга нисбатан 1100 никич кўп қайд қилинган, оилавий акти-ралишлар эса 1800 тага камайд.

Аҳоли умумий миқдорининг қариб 12 процентини ёш еттидан кам бўлган болалар ташкил этади, деб «Югославские новости» газетаси.

ТАШВИШ КЕЛТИРГАН КАТТА БОШ

Ёш швед йилгити Ингве Сяёманинг омади юрмишми қолди. Ҳамма гап шундаки, унинг боши жуда катта бўлиб, донра ҳажми 63 сантиметрини ташкил этади. Ана шу нарса унинг мотоциклнинг бошқаришга халақит берипти. Шунга ҳам ота гўр қозихонами, деб ақиб-ланишнингиз қўлик. Ҳаммага беш кўндек аёниқ, қимол шлемсиз мотоциклдан фойдаланиш тақиқланган. Бу қондага Швецияда ҳам тўла ривоз этилди. Шу босдан Ингве ўз бошига гўрри келадиган шлемни мамлакатнинг спорт товарлари сотадиган ҳеч қайси бир магазинлардан тополмапти. Медицина бошқармаси унга Ингвеннинг боши саноят ишлаб чиқарётган шлем стандарт талабларига мос эмаслигини тасдиқлайди. Лекин полиция участкасида унинг бошини узоқ ва синчковлик билан ўлчаб кўришди. Ана шундан кейинги йили Ингвега шлемсиз юрмишга рухсат берадиган ҳужжатга имзо қўйилди.

МУЗИКА ФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

Австрия пойтахтида атоқли композитор Франц Йозеф Гайдннинг юнодига боғишланган музика фестивали очилди. Бу ҳафта мобайнида шаҳарнинг йирми концерт залларида бастакорнинг энг яхши музика асарлари, жумладан, шу пайгача номмаълум бўлган асарлари ҳам янги энтилди. Вена маданият ҳаётидаги айна шу йирки воқеага бағишланган Гайдннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилиш ва тавсифлаш кўпчиликни хаста қилиб қўлади. Виставкага қўйилган ҳужжатлар, дастхоналар, бастакорнинг нота ёзувлари қўйилган. У атоқли бастакорнинг юноди ва ҳаёт йўли ҳақида тўлиқ маълумот беради.

ЭКСПОРТГА — ЕВРОПОН ХАВОН ГЎШТЛАРИ

Венгрия Халқ Республикаси Европий ҳайвон гўштларини хоржини мамлакатларга юборадиган йирки экспорттерлардан ҳисобланади. Утган йили экспорт гўштларидан қўрилган фойда 735 миллион сўмни ташкил этади.

ГАЗЛАМАДАН ГҮЛЛАР

Пхеньяндаги тўқма-чилик комбинатига махсус устанона очилди. Бу устанода газла-дан туртингулар гуллар ишланади. Бу ерда 500 хилдан зиёд суний гуллар тайёрланмоқда. Биринчи марта устанонага кириб қолган киши узун катта бир чамдан зорда юргандек ҳис этади, деб ёзда «Корея» журналин.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ
БЕГ ОҚШОМИ
14 МАРТ, 1984 й.



Нефть ва газ — она-Ер инъоми. Геолог олимларимиз мунтазам равишда илмий-тадқиқот олиб бориб, ер остидан хазиналар топишмоқда. Бу борада нефть ва газ қидирув геология институтининг олимлари ҳамда лаборатория ходимлари фидокорона меҳнат қилишляпти.

СУРАТЛАРДА: 1. [чапдан-ўнганга] институтнинг катта илмий ходими С. Хусанов, геология-минералогия фанлари доктори Х. Миркомитов ва лаборатория мудири, геология-минералогия фанлари кандидати К. Алимовлар чўқинди жонларини текширишмоқда. 2. Геохимия лабораториясида катта инженер Озод Иброҳимов «ЛХМ-72» хроми-граф аппаратида анализ ўтказляпти.



БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуларда ўзбек тилида лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультети тингловчилари диққатига.

15 март кунини соат 17.00 да Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида «Ишонтириш санъати — лекторлик маҳоратининг муҳим соҳасидир» мавзусида лекция ўқилади. Лектор — фалсафа фанлари кандидати Н. Ф. Хафизов.

Иккинчи лекция — «Ироқ-Эрон мокаро-ри». Лектор — тарих фанлари кандидати Н. Рихсиев.

Лекторлик маҳорати ва нотикли санъати

университетининг тингловчилари диққатига.

14 март кунини соат 17.00 да Билимлар уйида «Икки олам — икки турмуш тарзи» мавзусида лекция ўқилади. Лектор — фалсафа фанлари кандидати Н. Ф. Хафизов.

Иккинчи лекция — «Ақуал масалаларга жавоблар тўғрисида». Лектор — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Т. Н. Саломқидинов.

